

Мактабгача таълим муассасаси соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш.

Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия кафедраси мудири: Д. А. Каримов

Аннотация: Ушбу мақолада жамият тараққиётида болани мактабга тайёрлашда оилани ва мактабгача таълим муассасасининг ўрни ва беқиёсliği ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Оила, таълим-тарбия, маънавий тарбия, ахлоқий тарбия, эстетик тарбия, жисмоний баркамоллик, меҳнат тарбия.

Аннотация: В этой статье отражена роль и значения семьи и дошкольного образования в подготовке детей к школе.

Ключевые слова: Семья, обучение-воспитание, духовное воспитание, умственное воспитание, эстетическое воспитание, физическое совершенство, трудовое воспитание.

Annotation: This article outlines the role and importance of family and preschool education and preparing children for school in the development of society.

Key words: Family, education, spiritual education, axcial education, aesthetic education, coaching education, physical perfection.

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш давлат аҳамиятидаги вазифадир. Мактабгача таълим ҳаётий қарашлар билан ўлчанганда қисқа вақтни ташкил қилса ҳам, ҳаётнинг кейинги йиллари учун таъсири жуда аҳамиятлидир. Ҳаётий кўникма, билим ва одатларнинг асосини ташкил этган мактабгача ёшдаги болаларга берилаётган имкониятлар қанчалик кенг бўлса, ёш ота-оналарга болалар тарбияси ҳақида сабоқ бериш ҳам шунчалик муҳимдир. Тарбия давомида ота-оналар ўз таъсирининг аҳамиятлилигини ва уни тўғри ташкиллаштириш учун фаол иштирокчилар эканликларини қалбдан ҳис этишлари лозим. Мактабгача таълим муассасаси соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мунтазам равишда таълим олишига ота-оналарга ёрдам беради. Мактабгача таълимни тўғри ташкил этилиши оила ва мактабгача таълим муассасасига ҳар томонлама боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни доимий фаолият олиб бораётган мактабгача таълим муассасаларида, нодавлат мактабгача таълим муассасаларида, оилавий мактабгача таълим муассасаларида, қисқа муддатли гуруҳларда олади. Ота-оналар ўз болалари учун таълим-тарбия шакллари, таълим бериш тилини, болага таълим-тарбия бериш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини ҳамда боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши белгиланган. Болани мактабга тайёрлашда оиланинг ўрни жуда каттадир. Бола тарбиясида оиланинг барча аъзоларидан нафақат болаларга нисбатан тўғри муносабатни, балки уларнинг тақдири учун юксак маъсулият ҳиссини ҳам талаб қилувчи қийин ва мураккаб ишдир. Оилада ва мактабгача таълим муассасасида болани мактабга тайёрлашда тарбияни ҳар томонлама, жумладан, маънавий,

ахлоқий,ақлий,эстетик,жисмоний ва меҳнат тарбияларини биргаликда олиб бориши яхши самара беради.

Маънавий тарбияни болага ўтмишда Ватан равнақи,эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида курашган халқ қахрамонлари ҳақида гапириб бериш, давлатимизнинг рамзий белгилари билан таништириш,мустақиллик,Ватан, ҳақидаги шеър ва қўшиқларини ўргатиш орқали сингдириш мумкин. Болаларни маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишлари учун оилада соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фарзандларда ота-онага меҳр-муҳаббат, ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, фарзандларга чуқур дунёвий билим бериш,уларнинг маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишини таъминлаш,уларни мустақил фикрлашга ўргатиш ,истиклол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш зарур. Фарзанд ота-онанинг суянган тоғи, ҳаётининг меваси ва келажакдаги ишончи , шунингдек, оила шажарасининг давомчиси бўлиб, ҳар бир ота-она ўғил-қизининг юксак ҳуқ –атвор эгаси,маърифатли,маданиятли, халқига, Ватанига фойдаси тегадиган касб ёки ҳунар эгаси бўлиб камол топишини орзу қилади.Орзунинг ўзи билан мақсадга эришиб бўлмайди,албатта.Мақсадга эришишнинг бош йўли ота-оналарнинг барча инсоний ва умуммиллий фазилатлар бўйича ўз оила аъзоларига , фарзандларига шахсий намуна кўрсатишда намоён бўлади.”Қуш уясида кўрганини қилади”, деганларидек, ота-она ўз фарзандлари кўз олдида ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ўзаро муносабатда инсон камолотининг тугал бир намунаси сифатида гавдаланиши керак.Шунда ота-онанинг гўзал инсоний ҳислатлари болага ўтади. Оилавий тарбия жараёнида яна бир тарбия орқали боланинг бир қатор ахлоқий жиҳатлари шаклланадики, бошқа ҳеч қайси тарбия объекти оиладагидек юқори натижа бермайди. Уларда инсонпарварлик,меҳр-мурувват,рахм-шавқат,ҳамдардлик,муомала маданияти,бурч ва садоқат,миннатдорчилик каби инсоний фазилатлар шаклланади.Фарзандни оилавий ҳаётга тайёрлашда аجدодлардан ўтиб келадиган бой маънавий мерос, ахлоқ –одоб,урф-одат ва анъаналарни бугунги кун билан уйғунлаштирган ҳолда сингдириб бориш мумкин . Келажак авлодга эстетик тарбия беришда ҳам оиланинг муҳим ўрни бор.Оила давраида қўшиқлар куйланиши,бирор эртақ ёки асарни оила давраида ўқиш,бирга спектакль ёки кино кўриш ва таҳлил қилиш,кийиниш маданиятини шакллантириш,уйда гуллар парвариш қилиш,расм солиш ва ҳоказолар болани эстетик тарбиясини шакллантириш жиҳатларидир.Бола ҳаётида меҳнат тарбияси ҳам муҳим ҳисобланади.Болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш,уларга меҳнат қилиш одобини шакллантириш ва кўникмалар ҳосил қилишда,уларнинг қизиқишлари ҳисобга олингандагина эришилади.Ота-оналар болани мактабга тайёрлашда унда меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга, меҳнатга эҳтиёжини тарбиялашга, бошқаларнинг меҳнатини қадрлашга, меҳнат натижаларини эҳтиёт қилишга ўргатиши лозим. Меҳнат болалардауюшқоқлик, дикқат, саранжом-саришталикни тарбиялаш, шунингдек мақсадга эришишда матонат каби ирода хусусиятларини ривожлантириш воситасидир. Ота-оналар вояга

етказаётган фарзандларининг жисмоний баркамоллигига ҳам ўта маъсулият билан қарашлари лозим. **Масалан:** эрталабки бадантарбия машқларини болалар билан биргаликда бажариш,тўғри ва витаминларга бой овқат бериш,дам олишни,уйқуни тўғри ташкил этиш,вақтида шифокор назоратидан ўтиб туриш бола учун муҳимдир. Бола мактабгача таълим муассасасида энг яхши фазилатларни оила шароитида давом эттириб,оилада эгаллаган энг яхши фазилатларини эса мактабгача таълим муассасасида қўлласа, исталган ижобий натижаларга эришиши мумкин.Тарбиячилар оила тарбиясига доир тажрибаларидаги ижобий ишларни кўрибгина қолмай,уни қўллаб қувватлаш асосида ота-оналар эътиборини бола тарбиясида ҳали ҳал этилмаган вазифаларга ҳам қаратишлари лозим.Ота-оналар билан ишлашда тарбиячи алоҳида иш шаклларида фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.Масалан: тарбиячининг болани уйига ташрифи–оила шароити, боланинг оиладаги ҳулки,қизиқишлари,оиланинг бола тарбиясидаги ижобий тажрибаларини ўрганишдан иборатдир.Тарбиячи боланинг уйига текширувчи сифатида эмас,балки дўст,бола тарбиясидек мураккаб ишда ёрдам берувчи сифатида бориши,оила аъзолари билан назокат ва хушмуомалалик билан муносабатда бўлиши керак.Тарбиячи ҳар гал ҳар оилагаборишидан аввал ўз олдига мақсад қўйиши,қайси мавзуда суҳбатлашишини олдиндан белгилаб олиши лозим.Ота-оналарга бериладиган саволларни пухта ўйлаши лозим.Тарбиячи ота-оналар ҳурматини қозонмоқ учун аввал ота-оналарга боланинг ижобий фазилатлари тўғрисида фикрини айтади, кейин уларнинг фарзанди тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билиб олади ва боланинг уйидаги ҳаётини қандай ташкил этиш кераклиги, унга нималарни ўқиб ва ҳикоя қилиб бериш мумкинлиги,боланинг кун тартиби уни оила меҳнатида қатнаштириш,катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби таълим-тарбия ишлари мазмуни ва усуллари бўйича тавсия беради. Албатта,тарбиячининг оила билан олиб борадиган ишида боланинг ёши,имкониятлари ва ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни оилада тарбиялашни,ота-оналар билан ҳамкорликни бундан кейин янада такомиллаштириш йўлларини излаб топиш,оилавий таълим билан ижтимоий таълим ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш педагогларнинг муҳим вазифасидир.Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти,ахлоқи,қизиқиши ва муносабатларида анча жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради.Шунинг учун болани мактабгача таълим муассасаларида ва оилада мактаб таълимига ҳамкорликда тайёрлаш, мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида эгаллаши лозим бўлган билим,кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳимдир.Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг энг биринчи вазифаси тарбияланувчиларнинг ота-оналари ва оиласининг бошқа аъзолари онгида бола тарбиясида оила биринчи даражали аҳамиятга эгаллиги ва ҳар бир оила болаларининг фаоллашувида оилавий ва ижтимоий тарбиянинг бирлигига эришилгандагина кутилган натижага олиб келишига чуқур ишонч уйғотишдир.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасаси ва оилада мактабгача ёшдаги боланинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уларда ҳар томонлама, жумладан, маънавий, ахлоқий, ақлий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбияларини шакллантириб мактабга кузатиш болани ривожланишида юқори самара беради. Бола мактабгача таълим муассасасида олган билимларини мактабда давом эттиришга шундагина қийналмайди. Шундай қилиб, бола тарбиясида оила билан ҳамжиҳатлик, ҳар икки томоннинг маъсулият билан ёндошиши, болани баркамолшахс этиб вояга етишида заминдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 528-сон қарорига 1-илова “Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида”ги Низом Т.: 2017 йил 19 июль

2. Ф. Қодирова ва бошқалар “Мактабгача педагогика” Т.: “Маънавият” 2013й

3. Интернет сайтлари:

www.pedagog.uz

www.Ziyonet.uz

www.tdpu.uz